

## ИННОВАЦИОН ТАДБИРЛАР АСОСИДА ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Эгамов Рахматилло Миролимович

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти таянч докторанти

E-mail: [egamovsamgasi@mail.ru](mailto:egamovsamgasi@mail.ru)

**Аннотация.** Қурилиш индустриясида инновацион тадбирларга асосланиб ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларнинг муваффақиятли илмий – техникавий янгиликлари, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқараётган қурилиш ташкилотига рақобатбардошликга таъсир этувчи омилларни аниқлаш жараёнида аниқ фойда келтириши, маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражасини таъминлаш асосида корхона бозорларда ўз жойини мустаҳкамлаб, янги бозорларга чиқиш учун таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калитли сўзлар:** Инновация, инновацион тадбир, қурилиш индустрияси, қурилиш маҳсулотлари, рақобатбардошлилик, рақобатбардошлика таъсир этувчи омиллар, ривожланиш стратегияси.

**Аннотация.** Успешные научно-технические инновации строительной продукции, основанные на инновационных мерах в строительной индустрии, явные преимущества для строительной организации в процессе выявления факторов, влияющих на конкурентоспособность, предложения и рекомендации по укреплению позиций компании на рынках и выходу на новые рынки

**Ключевые слова:** Инновации, инновационное событие, строительная индустрия, строительная инфраструктура, строительная продукция, конкурентоспособность, факторы, влияющие на конкурентоспособность, стратегия развития.

**Abstract.** Successful scientific and technical innovations in construction products based on innovative measures in the construction industry, clear advantages for the construction organization in the process of identifying factors affecting competitiveness, proposals and recommendations for strengthening the company's position in the markets and entering new markets.

**Key words:** Innovation, innovative event, construction industry, construction infrastructure, construction products, competitiveness, factors affecting competitiveness, development strategy.

### Кириш

Жаҳонда қурилиш индустрияси соҳаси иқтисодийнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Дунё мамлакатлари ЯИМнинг 15 фоизи айнан шу қурилиш тармоғида яратилаётганлиги, қурилиш инфратузилмасини янада барқарор ривожлантиришга ҳамда уни такомиллаштиришга катта аҳамият берилаётганлигидан далолат бермоқда. “Бутун дунё бўйича қурилиш материаллари тармоғида яратилган ишлар ҳажми 2020 йил охирига келиб 4,8 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши, етти йилдан кейин эса 7,2 трлн. АҚШ долларига ва жаҳон ЯИМининг 15% фоиз улушига эришилиши” етакчи мутахассислар тамонидан ўрганилаб башорат қилинмоқда.

Жаҳонда қурилиш индустрияси корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. “Global construction 2030” агентлиги маълумотларига кўра, 2030 йилга қадар дунё бўйича

қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳажми 85 фоизга ошиб, 15,5 трлн. АҚШ долл.ни ташкил этади. Бунда жаҳон бўйича ушбу сектор ўсишининг 57 фоизи асосан уч мамлакат – Хитой, АҚШ ва Ҳиндистонга тўғри келиши тахмин қилинмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг янги моделига асосланган давлат иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлайдиган инновацион ривожланишнинг устувор йўналишларни танлашни назарда тутди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғидан бири бўлган қурилиш индустриясини сифат жиҳатдан ривожлантириш юзасидан кенг кўламда чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шарқ гавҳари бўлган Самарқанд вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштириш жараёнида олиб борилаётган ишлар бугунги куннинг асосий устувор вазифаларидан бири деб қаралмоқда.

Ҳудудда ишлаб чиқаришнинг самарали ва барқарор ривожланиши учун имкониятлар мавжуд бўлишига қарамадан Самарқанд вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари кўп жиҳатдан мамлакатнинг ўртача кўрсаткичидан орқада қолмоқда. Шу боис қурилиш индустрияси корхоналарида маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги юқори сифатли, рақобатбардош ва энергия тежамкор материалларни яратиш асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарини барқарор ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Қурилиш тармоғини янада такомиллаштириш, архитектура ҳамда қурилиш органлари ва муассасаларини изчил ривожлантириш механизмларини шакллантириш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини таъминлаш, соҳага рақамли технологияларни илғор жорий этиш мақсадида 2020 йил 27 ноябрдаги Ўзбекистон республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ – 6119 - сонли фармони, 2018 йил 21 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасини 2019 – 2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, 2021 йил 1 апрелдаги «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ – 6198 - сон Фармони, 2021 йил 9 июндаги Президентнинг ПФ – 6244- сонли «Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, Самарқанд вилоятида қурилиш материаллари саноатидаги лойиҳаларни молиялаштиришга Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 млн доллар жалб этилиши, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлари қурилиш индустрияси корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришда рақобатбардошлик даражасини амалга оширишда хизмат қилади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашнинг шакилланиш ва ривожланиш

жиҳатлари, қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион тадбирларни баҳолаш ва бошқариш механизмлари муаммолари кўплаб иқтисодчи ва сиёсатчи олимларнинг ишларида тадқиқот олиб борилган бўлсада, лекин, тадқиқот асосида ўрганилган илмий - иқтисодий адабиётлар ва журналлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд илмий - услубий ишланмалар қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг тўлалигича ўрганилмаганлигидан далолат бермоқда. Чунки, қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашга мажмуавий (комплекс) ёндашув мавжуд эмаслиги ва тадқиқот олиб борган муаллифларнинг фикрлари бир-бирига жуда яқин ёндашувдаги ғоялари асосидаги ўз баҳолаш усул ва услубларини таклиф қилганлигидадир[7].

Инновацион тадбирлар орқали маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини аниқлаш бўйича жуда кўп фикрлар мавжуд. Улардан баъзилари:

Америкалик профессор Ф.Котлер инновацияни оммавий ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва бозорга чиқарилган, истеъмолчи томонидан мутлақо янги ёки қисман ноёб таркибли маҳсулот каби қабул қилинадиган ғоя, маҳсулот ёки технология сифатида тушунтиради[8].

Инновацион тадбирларни Б.Твис ихтиролар ва янги ғояларнинг иқтисодий мазмунига эга бўлган жараён сифатида қарайди[9].

М.Портер қарашларида компанияларнинг ривожланишида инновацион тадбирларнинг ўрни, уларни қўллаш хусусиятлари, компаниянинг барқарор ривожлантирилишига фақат инновацияларни доимий равишда жорий этиш ҳамда компанияларнинг рақобат устунлигига эришишларида инновациянинг таъсири масалалари тадқиқ этилган[10].

Бизнинг фикримизча, инновацион тадбирлар маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича юқорида келтирилган барча фикрлар бир-бирини тўлдиради, бундан ташқари, айнан қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлиги тушунчасига назарий ва амалий жиҳатдан асосланган таърифини ишлаб чиқиш муаммоси долзарб бўлиб турибди.

#### **Тадқиқот методологияси**

Илмий мақоламизда инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда кузатиш ҳамда таққослама таҳлил, индуктив ва дедуктив, қиёсий ва тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатдаги ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражасини ошириш эвазига, ҳудудларда қурилиш тармоғининг ривожланиши, минтақадаги қурилиш индустриясининг ташкилот ва корхоналардаги ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги, рақобатчилар ўртасида ва хом ашё материалларини етказиб берувчилар ўртасида рақобатнинг интенсивлиги, тизимда ташкилий ва ишлаб чиқариш даражасини ортиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ишчи – ходимлар ўртасида ҳам рақобатардошлик даражалари ошиб, ахборот таъминотида илғор техник ва технологик жараёнлар улушинининг кўпайиши, патентлаштириладиган товарларнинг патентга лаёқатлилигини оширилиши, қўлланиладиган илмий ёндашувлар, принциплар ва замонавий усуллар сонининг


ортиши натижасида корхона маҳсулотларининг рақобатбардошлик даражаси ҳам кўпая бошлайди.

Қанақа объект қурилишига, қурилиш шартига, бино ва иншоотларни ишлатилиш мақсадига қараб, зарур бўлган қурилиш материаллари конструкция ва деталлари ҳамда қурилмаларига асосан қурилиш бозори танланади, маълум бир техник, функционал, ташкилий, хизмат қилишга яроқлилик ҳамда харажатлилик хусусиятларига эга бўлиб, улар асосан қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлик кўрсаткичларини белгилайди.

Бозор мунособатларининг ривожланиши билан қурилиш маҳсулотлари ва хизматлари учун зарур бўлган рақобатбардошлигини таъминлаш ҳар қандай қурилиш корхонаси учун стратегик йўналишга айланади.

Қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлиги, бир томондан ушбу вақт мобайнида қурилиш маҳсулотини сотиб олиш ва ишлатиш учун сифат кўрсаткичлари ва истеъмол харажатлари нуқтаи назаридан қурилиш материаллари бозорида истеъмолчининг маълум бир эҳтиёжини қондира билиш қобилиятини ифодаласа, бошқа томондан, бу қурилиш маҳсулотларининг кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган стратегик ва тактик маркетинг ҳамда менежмент услубларини ўз ичида такомиллаштиришга йўналтирилган умумий тушунчадир. Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион тадбирларни, хусусан маҳсулот янгиликларини доимий равишда амалга оширишга асосланган қурилиш индустрияси корхоналарининг усул ва услубларидир.

Ушбу тадқиқот мавзуси доирасида инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини аниқлаш (1-расм) унинг техник, функционал, ташкилий ва иқтисодий хусусиятларини илмий тадқиқотлари орқали амалга ошириш (муваффақиятли илмий ва техник инновациялар – технологик жиҳатдан янги ёки такомиллаштирилган қурилиш конструкцияси, қурилмалари ва материалларнинг турлари) инновация маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш қурилиш ташкилотларига фойда келтиради.



**1-расм. Инновацион тадбирлар асосида қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш**

*Манба: Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси*

Шундай қилиб, инновацион тадбирлар рақобатнинг самарали воситаси бўлиб, улар янги эҳтиёжларни яратишга, қурилиш материалларининг таннархини

пасайишига, қурилиш маҳсулотлари ва хизматларининг сифатини яхшиланишига, миждозларга сифатли хизмат кўрсатишга, ишлаб чиқариш жараёнларининг сифатлилигига, инвестициялар оқимининг кенгайишига ва маҳсулотларнинг турларининг кўпайишига, янги бозорларни очиш ва уларни эгаллашга, шу жумладан ташқи бозорларга чиқиш имкониятига эга бўлишлигига олиб келади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Тадқиқотлар натижасига асосан қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун қуйидаги омиллар албатта ўрганилиб таъсир даражаси баҳоланиши лозим деган хулосага келдик.

- истеъмолчилар эҳтиёжлари билан товарларнинг мувофиқлиги;
- рақобатдаражаси;
- минтақадаги қурилиш суръатларининг ўсиши ёки камайиши;
- инновацион жараёнга бошқарувчи ходимларнинг муносабати;
- етакчи корхонанинг қанча хизмат қилганлик даражаси ёки ёши;
- инновацияларни амалга ошириш учун моливий маблағларнинг зарурлиги;
- инновацияларни амалга ошириш учун ташкилий тузилманинг мувофиқлиги;
- товарларнинг корхона ваколатларига мувофиқлиги;
- ходимлар зарур ишлаб чиқариш тажрибасига эга эканлиги (тажрибанинг мавжудлиги);
- маҳсулот инновациясининг техник устунлиги;
- янги маҳсулотнинг нархи;
- инновацияларнинг ташкилотнинг мақсадларига мувофиқлиги.

Демак, юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда инновацион тадбирлар қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан ишлаб чиқаришда инновацион тадбирлар қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омили бўлиб хизмат қилишини ва маҳсулотнинг сифатли ишлаб чиқаришга ўтишни давр тақоза этади. Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг қурилиш индустрияси корхоналарига янги инновацион технологияларни жорий этмасдан, маҳсулот ва хизматларни диверсификация қилмасдан ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилмасдан туриб кучли рақобат муҳитини яратмасдан жаҳон бозорида мустаҳкам ўз ўрнимизга эга бўлаолмаймиз. Бу жараёнларни амалга оширишда албатта кўпроқ инновацион тадбирларни амалга оширишимиз зарур бўлади деб ҳисоблаймиз.

### **Фойдаланган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5963-сонли Фармони. Т.2020 йил 13 март.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 23 октябрдаги ПҚ – 3350 –сонли қарори.
3. “Ватанамиз мустақиллиги – биз учун куч-қудрат ва илҳом манбаи, тараққиёт ва фаровонлик асоси” Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси

давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи.Т.31 -август.2021 йил.

4. Нуриббетов Р.И., Тошмухаммедова К.С, Қурилиш индустриясида инновацион бошқариш усулларини жорий этишга таъсир этувчи омиллар //Архитектура. Қурилиш. Дизайн. Илмий – амалий журнал,Издательства ТАСИ; Тошкент, 2016 №2.

5. Сафонова Л.А. Проблемы и методы оценки конкурентоспособности. Новосибирск: Изд-во Сибирского государственного университета телекоммуникаций и информатики, 2000. – 119 с.

6. Simon Kuznets, «Modern economic growth: Findings and reflections», Nobel lecture delivered in Stockholm, Sweden, December 1971 and published in the American Economic Review 63 (September 1973).

7. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. Серия “Высшее образование” - М.: ИНФРА-М, 2000. - 312 с.

8. Котлер Ф., Армстронг Г., Сондерс Д, Вонг в. Основы маркетинга: пер. с англ. - 2-е Европ. Изд.- М.; СПб.; К.: Издательский дом «Вильяме», 2000. - С. 589.

9. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. - М.: Экономика, 1989.-217 с.

10. Портер М. Международная конкуренция: Пер. с англ./ Под. ред. В.Д. Щетинина. – М. Международные отношения, 1993. – 64 с;